

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



2 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Исмоил Жемни қабул қилди.

— Ўзбекистонга ташрифингиз мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтаришда муҳим ўрин тутди, — деди давлатимиз раҳбари. — БМТнинг Нью-Йоркда бўлиб ўтган «Мингйиллик саммити»да Туркия Президенти А.Сезер билан учрашган эдик. Бугун ана шу мулоқотни давом эттириш имконияти пайдо бўлди.

Ислам Каримов Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги муносабатларнинг самимий руҳда ривожланиши икки қардош халқ манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади.

Учрашувда икки мамлакат алоқаларининг бугунги аҳоли ва истиқболлари ҳусусида сўз борди.

■ (ЎзА) Суратда: қабул пайти. Мухаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

ЮЗЛАР ЁРУҒ, ДИЛЛАР РАВШАН

СПОРТЧИЛАРИМИЗ ОЛИМПИАДАДАН ОЛТИН, КУМУШ ВА ИККИТА БРОНЗА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН ҚАЙТИШДИ



Шундай бўлди. Ўзбегим боши мағрур кўтарилган. Унинг юзи ёруғ, қалби фахр ва ифтихорга тўлган. Чехрасида сурурбахшлик. Сабаб, 17 кун қутилган умид ва ишонч оқланди. Ўғил-қизларимиз яхши от кейин чопади қабилида фаолият кўрсатиб, Олимпиаданинг ёпилиши арафасида халқимиз ишончини оқладилар. Бу ҳаммаси юртимизда барқарор ривожланишнинг, спортга, халқимиз соғлигига алоҳида эътибор қилаётганининг ифодасидир. Сиднейда Мухаммадқодир Абдуллаевнинг олтин медал соҳиб бўлгани ҳақидаги хушхабарни эшитган юртбошимизнинг оталарча меҳрибонлик билан яшил мамлакатга табрик юборишлари ҳам шундан нишона.

ларини қўлга киритишди. Эркин курашчиларимиз ҳам бўш келишмади. Артур Таймазов қутилмаганда финал беллашувида бой бериб, Олимпиаданинг кумуш медали соҳиб бўлди. Сўзсиз Мухаммадқодир исми жамига монанд йигит экан. 27 ёшли бу ўғлоннинг барча орзулари ушалди-ёв. У икки марта Осиё чемпиони, жаҳон чемпиони, жаҳон кубоги каби нуфузли унвонлар қаторига Олимпиада чемпиони номини ҳам қўя билдики, бу воқеа Ватанимиз спорт тарихи саҳифаларига ёзилажак.


ЎЗБЕКISTON ВА УНИНГ ДУРДОНАЛАРИ БИЛАН ТАНИШУВ

2000 йилнинг 29 сентябрь куни ХКП Марказий Қўмитаси Халқаро алоқалар департаменти раҳбарининг муовини (вазир ўринбосари) Цай У бошчилигидаги, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши тақлифига биноан, мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган, Хитой Коммунистик партияси Марказий Қўмитаси делегацияси аъзолари Бухоро шаҳрида бўлишди, шаҳарнинг қадимий ёдгорликлари ва маданий масканлари билан танишдилар. Юртимизнинг қадимий ёдгорликлари билан ва асар-авоёвлар борасидаги, мураккаб давлатимиз томонидан олиб борилганда, ишлар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Туркия ташқи ишлар вазири Исмоил Жем расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Мазкур ташриф доирасида 2 октябрь куни Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Исмоил Жем билан таълим вазири Исмоил Жемни қабул қилди.

ТУРКИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИ

эса етмишга яқиндир. Иқтисодий алоқаларга келсак, шу кунгача Ўзбекистонда Туркиянинг юзга яқин фирма ва компанияси рўйхатдан ўтган. Уларнинг 69 фоизи билан қўшма корхона тuzилган, қолганлари тўла Туркия сармоиси асосида ишлармоқда.



Омад, муваффақият бир келса, эш бўларкан. Андижон пахтакорларининг меҳнат ютуғидан қувониб турганимизда, ҳамшаҳримиз Мухаммадқодир Абдуллаевнинг Сиднейдаги юксак зафари дилларга сурур бағишлади. Тилларда: «Балли, ўзбек мард ўғлони!» Элдощларнинг қалбларида гурур, ифтихор. Чемпионнинг хонадонидан меҳмон аримайди. Улар баҳодирнинг ота-ониси — Мухаммадқодир ака билан Мапратхон ая ҳамда умр йўлдоши Марҳабатхонни қутлашмоқда. Боксчининг қизалоқлари Маҳияд бидан Юлдузхонлар атрофида ҳамма парвона.

БАЛЛИ, ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ!

меҳмонлар даврасида. — Фарзандимни Олимпиада ўйинида олтин медалга муяссар бўлгани барчамиз учун улғу бахт. Мухим, Мухаммадқодир халқимиз, юртбошимиз ишончини оқлади. Ўғлимга ҳаммаша омад йўлдош бўлсин!

ЎЗБЕКISTON ХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ

30 сентябрь куни ХКП Марказий Қўмитаси делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Исмоил Жем билан таълим вазири Исмоил Жемни қабул қилди.

ЎЗБЕКISTON ХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ

«Террорчи гуруҳлар тарқибига адашиб кириб келган Ўзбекистон фуқароларининг жавобгарлиқдан озод этиш тўғрисида» Президент Фармон чиқарди. Бу ҳужжатни мен инсонийлик, меҳр-шафқатнинг энг юксак намунаси деб биламан. Расмийликни йиғиштириб қўйлик-да, келинг, кўнглидаги гапни айтийлик.

УЙҒОҚЛИК

АРОСАТДА ТУРМА, ЙЎЛИНГДАН ҚАЙТ, ЎЗЛИГИНГИ АНГЛА...

Яна бир гап. Яқинда «Ўзбекистон ислом ҳаракати» намоёндалари деб атаётган қаллақесар тўда ер юзиде йвуз террорчилар гуруҳи деб баҳоланди. Бу илоҳий баҳо берилиши нафақат Ўзбекистон халқининг, балки ер юзи аҳлининг хоҳиш-истаги деб қаролимо керак. Агар биз «Ўзбекистон ислом ҳаракати» деб ном олсак, халқро майдонда ўринимизни белгилаймиз, деб уринган жоусу бағишбуларнинг айниқан хайли чиппақча чиқди. Энг муҳими, уларнинг террорчи деб ҳақ ном олишини АҚШ Давлат департаменти раҳбари Мадлен Олбрайт хоним ва бошқа отуқ сийбсатчи-

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 3 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиши, шунингдек, божхона тўловлари учун қорғиний валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: /

1 Австралиа доллари	163,01	1 Канада доллари	200,13	1 Финляндия маркеси	44,65
1 Австрия шиллинги	19,29	1 Хитой юани	36,33	1 Франция франки	40,47
1 Англия фунт стерлинги	443,30	10 Люксембург франки	65,81	1 Швейцария франки	174,34
1 Бельгия франки	65,81	1 Малайзия ринггити	79,17	1 ЕВРО	263,46
1 Голландия гульдени	120,46	1 Германия маркеси	135,73	10 Жанубий Корея вонни	2,70
10 Греция драхмаси	7,83	1 Польша злотийси	66,48	10 Япония йенаси	27,82
1 Дания кронаси	35,61	1 СДР	390,42	1 Россия рубли	10,84
1 БАА дирхами	81,90	1000 Туркия лираси	0,45	1 Украина гривнаси	53,30
1 АҚШ доллари	300,81				
1 Миср фунти	82,30				
1 Испания песети	15,95				
100 Италия лираси	13,71				

* / Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажкур валюталарни ушбу қийматга сотиш ёки сотиб олиш натижасини олган.

XXI АСР — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР АСРИ!

«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ!
«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГИ!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:

- «Ўзбекистон овози» — 220
- «Голос Узбекистана» — 121
- «Осиё бозори» — 174

АНЖУМАН ИШ БОШЛАЙДИ


Эртага Алишер Навоий номидаги СамДУда CASC 2000 «Компьютер алгебраси илмий изланишда» мавзусида 3-халқаро анжуман ўз ишینی бошлайди. Ушбу анжуманнинг Самарқандда ўтказилиши бежиз эмас. Чунки кейинги йилларда университет олимлари — профессорлар А. Солиев, М. Исроилов, Р. Ибодов ва уларнинг шогирдлари табиий фанларнинг барча соҳаларида компьютер алгебрасини қўллаб, яхши натижаларга эришдилар. Шу ўринда СамДУ олимларининг CASC 98 ва CASC 99 «Компьютер алгебраси илмий изланишда» мавзусида Санкт-Петербург (Россия) ҳамда Мюнхен (Германия) да ўтказилган 1-2 халқаро анжуманларда муносиб иштирок этганини фикримизнинг далилидир. Дарҳақиқат, компьютер алгебрасининг ўзига хос хусусиятлари математик ва алгоритмик методлар билан биргаликда символлар математикаси ЭХМнинг дастурий тизимларини яратишда принципал янги имкониятларни очиб беради.

ГФРнинг фанни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат фан ва техника қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, республика «Устоз» жамғармаси, Мюнхен Техника университети (Германия) томонидан ташкил этилган

ушбу анжуманнинг ташкилий қўмитаси акадмик Ш.А. Аюпов (Ўзбекистон), профессор Е. Майр (Германия), акадмик В. Герд (Россия) ҳамраислигида барча тайёргарлик ишларини ниҳоятини етказди. Халқаро анжуман қатнашчиларининг умумий ишлари ва маданий ҳордиқ чиқариши учун шарт-шароитларни яратишда университет ректори, профессор Р. И. Холмуродов бошчилигидаги ташкилий қўмитанинг хизмати беқисдор.

Хусусан, анжуманнинг дастури ва анжуман қатнашчиларининг маърузалари ҳамда илмий ахборотлари тўплами Германиянинг Springer Verlag нашриёти билан ҳамкорликда chop этилди. Халқаро анжуманда мамлакатимиз олимларидан ташқари 70 та узоқ ва яқин хорижий мамлакатлардан етук мутахассислар иштирок этади. Хусусан, бутун жаҳонга машҳур олимлар — Е. Майр (Германия), С. Стейнберг (АҚШ), В. Вейсфеннинг (Германия), В. Герд (Россия), К. Сеттер (Австрия), Ж. Виллард (Франция), Й. Гуттерес (Испания) маъруза ва чиқишлари анжуман қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиздир. 10-11 октябрга кунлари халқаро анжуман қатнашчилари Бухоро давлат университетиде ўз ишینی давом эттиради.

■ Салоҳиддин ХАЙИТОВ



Сиз қандай ўйлайсиз, ушбу макет қурилажак бирорта бинога андоза бўлиши мумкинми?

— Шифокорнинг сўзи ҳам доволади, — дейди тажрибали жарроҳ Маҳмуд Галоев. — Чунки саломатлигини йўқотган одам руҳан тушунликка тушиб қолади. Бундай пайтда бемор билан шифокорнинг кўнгли бир-бирига ипсиз боғланган бўлади. Тажрибали шифокор вазиятни тўғри англай олади. Сўз билан бемор кўнглига кириб боради. Унинг қалбиде соғайиб кетишига ишонч туйғусини уйғота олади. Агар у бундан урдадан олса доволаш ҳам, беморнинг соғайиши ҳам энгил кекади. Бу унинг шиори. У 25 йилдирки, Чироқчи тумани марказий шифонасида ишлаб келмоқда.

«Соғлом авлод йили» деб эълон қилинган 2000 йилда саломатлик посбонларининг елкасига ҳам катта масъулиятлар юклатди. Бундан бундан бундан шифокор туманда ҳислар саломатлигини янада яхшилашга диққат-эътиборини қаратган. Шу сабабли жойларда эмлаш ишларини ўз вақтида ўтказиш, аҳолини тез-тез тиббий куридан ўтказиб туришга ҳам ўзи бош-қош бўлиб турибди.

Дарвоқе, Маҳмуд Галоев ўнлаб шогирдларининг меҳрибон устози ҳамдир. Айни кунларда унинг шогирдлари эл саломатлиги йўлида фидокорона меҳнат қилиб келишмоқдалар. Меҳрибон устоз ўз билан ва тажрибасини ҳар доим ўз шогирдларидан аямайди.

Суратда: М. Галоев жарроҳ шогирди Алишер Санакўлов билан.

ФИКР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ БАРДАВОМ

Файзулла ИСМОИЛОВ, Зангиота туман ҳокимлиги давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш бўлими бошлиғи.

— Ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини ривожлантириш, тараққиёт эйтириш, энг асосини, демократлаштириш жараёнини йўқотган одам руҳан тушунликка тушиб қолади. Бундай пайтда бемор билан шифокорнинг кўнгли бир-бирига ипсиз боғланган бўлади. Тажрибали шифокор вазиятни тўғри англай олади. Сўз билан бемор кўнглига кириб боради. Унинг қалбиде соғайиб кетишига ишонч туйғусини уйғота олади. Агар у бундан урдадан олса доволаш ҳам, беморнинг соғайиши ҳам энгил кекади. Бу унинг шиори. У 25 йилдирки, Чироқчи тумани марказий шифонасида ишлаб келмоқда.

Мана мустақил Ўзбекистон Республикаси шаклланишига 9 йил бўлди. Халқимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча томонларини ривожлантириш боробарида Президентимиз бошчилигида ҳамма меъёрий ҳужжатлар, конституция, қонулар, тартиб-қоидалар ва ўзимизга мос давлат тизимлари шакллантирилди.

Дунё харитасида Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди ва ўзининг салоҳияти билан қисқа даврда дунёга танилди. Яъни, Ер курацида Ўзбекистоннинг ўз ўрнини топди.

Ҳаёт ривожланиши, тараққиёт эйтишдан иборат. Шу мақсадда ижтимоий-иқтисодий ҳаётни барча соҳаларини ривожлантириш, демократлаштириш борасида ҳукумат томонидан жуда катта тадбир ва чоралар қурилди. Булардан энг асосини — мулкдорлар синфини ташкил қилиш бўлди. Ушбу масалада Ўзбекистон Республикаси Президентини Фармонлари асосида алоҳида қўмита (Давлат мулкни бошқариш қўмитаси) ташкил топди ва кўпгина меъёрий ҳужжатлар чиқарилиди. Ушбу ҳужжатлар асосида Давлат мулк қўмитаси томонидан ижтимоий-иқтисодий соҳанинг ҳамма бўлиmlарининг, яъни уй-жой фондлари, маънавий хизмат, савдо соҳалари ва майда корхоналар хусусий мулк, кичик ва ўрта корхоналар, масъулият чекланган жамият йирик корхоналар жисадорлик жамиятлари сифатида, шунингдек, қишлоқ хўжалик корхоналари ширкатларга



айлантирилиб, пай шаклида хусусийлаштирилиб, мулкдорлар синфи ташкил қилинди.

Аммо ушбу янги мулкдорларнинг аксарияти неғадир ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда кескин ривожланиш, жамиятда янги ҳаёт муносабат, фидойилик, янги технологияларни жалб қилиш, экспорт-импортни ошириш вазифалари жуда суст амалга оширилмоқда. Неғадир Бунинг сабабини жамоатчилик ҳар хил сабабларга боғламоқдалар. Яъни, мулк эгасига берилмаган, айланма маблағ кам, кредит, банк масалалари такомиллашмаган, хомаше етишмайди, солиқ тизимининг мураккаблиги ва бошқа шунга ўхшаш етишмовчиликларни кўрсатмоқдалар. Менимча, юқоридаги камчиликларни тугатишга энг асосий чоралардан бири мулкка бўлган муносабати шакллантиришда ҳукумат томонидан ўрганиб чиқилиб қабул қилинган ҳужжатлардан оғишмай боришдир. Ахир ҳаётимиз чархпалагини 75-80 ил орқага айлантирсак, ажиб манзарани — хусусий мулк давлат ва жамият таянчи бўлганини кўраемиз.

Бугун тараққиёт босқичини забт этган юртимиз озодлигимизнинг тўққиз йиллигини нишонлади. Бу ўтган қисқа кунлардаги фараҳбахшликни ич-ичидан ҳис этиди. Албатта, учраётган муаммолар тезда йўқ бўлиб кетади. Бунинг мен сарҳадларимизда террорчиларнинг пайдо бўлганча халқимизнинг яқдиллигида кўрдим. Демак, биз жамиятимизда барпо этаётган, хусусий мулкка асосланган тизим нақадар афзаллигини энг аввало одамлар жон дили билан ёқламоқдалар. Бу эса ислоқ ва тараққиётимиз бардавомлигидан далолат бермоқда.

■ Икром ИСМОИЛОВ


ТАДБИРКОР «ГУЛЗОР» ҚУРДИ

Ниҳоят деновалик тижоратчилар ҳам бозорга ёлчидиган бўлишди. Чунки, уч-тўрт йил давомида сотувчи-ю харидорларга кучиб юриш асабга ҳам теккан эди. Бунинг тўғри аниқланган тадбиркор Хабидулло Нормуродов шаҳар марказидаги тошлоқ жойини сотиб олиб, 750 ўринли бозор қурди. Қисқа вақтда замонавий қилиб қурилган ушбу тижорат бозорининг кури-

лишига 12 миллион сум маблағ сарфланди.

— Туман «Тадбиркор-банк»идан олган имтиёзли кредитимни ҳам ўз вақтида қайтардим, — дейди тадбиркор. — «Гулзор» туманимиздаги аjoyиб бозорлардан бири бўлиб қолади.

■ Абдумалик ХАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири



— Баҳодир Нўмонович, шу йил 6 сентябрь куни мамлакатимиз Президентининг «Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларининг жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди...

— Дарҳақиқат, юртбошимизнинг ушбу Фармони халқимизнинг бағри-кенглиги, кечиримлилиги, адашган кимсга тўғри йўл кўрсата билишидан далолат. Ўзингиз ўйлаб кўринг, бундай муруват фақатгина бизнинг мамлакатимизда кўрсатилган, холос. Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимиз томонидан бундай имконият алашган кимсаларга нисбатан иккинчи марта берилмоқда.

Менимча, дунёда Ватан туйғусидан муқаддас туйғу йўқ. Ахир, бугун чет давлатларда сандирақлаб, тугилган юртининг бир сиқим тупроғи, бир ҳовуч зиллоқ сувига зор бўлиб юрган шахслар ҳам ким-

ларнингдир ёлғон-яшиқ гапларига, алов-у найранг гапларига учиб кетиб қолишгани сир эмас. Энди эса эл олинди юзлари шувут. Ватанга қайтай деса, террорчилар сафига қўшилиб қолишган. Қайтмай деса, оилалари, ота-оналари, қорақўз фарзандларини соғинишган. Ўзга ерларда «ит ётиш, мирза туриш» қабилада ҳаёт кечириб жонларига теккан. Тинч меҳнат кучоғида, осойишта турмушини давом эттиришни исташди.

Фармон матбуотда эълон қилинганидан сўнг вилоятимиз маъмурий органларига уч нафар шахс ўз қилмишидан қаттиқ пушаймон эканини билдириб, афв сўраб, ариза билан мурожаат қилди.

Бўлар: 1980 йилда Наманган шаҳрида туғилган, аввал ҳеч қаерда ишламаган, 4-ўтиш йўли, Бурама-тут кўчаси, 10-уйда яшаган Маҳмуд Абдурахмонов, 1964 йилда Наманган шаҳрида туғилган, илгари хусусий тадбиркорлик билан шуғуланган, оилали, 4 на-

қусига учиб кириб қолишган, сўнг надомат чекиб, қандай қилиб бу боши берк кўчадан чиқиб кетишни билмай қийналиб юришган экан. Бу ёшлар давлатга қарши жиноят қилганликда айбланиб, уларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилган ва қидирув

фар фарзанди бор, Бой кўча, 15 «б»-уйда яшаган Абдулло Абдурахмонов ва 1973 йилда Наманган шаҳрида туғилган, Наманган тумани «Соҳибкор» жамоат хўжалигида пудратчи бўлиб ишлаган, шаҳардаги Жийдакана 20-берк кўча, 1-уйда яшаган Абдувоҳид Қамбаровлардир.

Бу адашган ёшлар жиноий жавобгарликдан қочиб қўриқиб, Россия Федерациясида қочиб юришган. Фармон чиққаннан сўнг зуллик билан уйларига қайтиб, ота-оналари билан бирга ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасига бош эгиб келишган.

— Уларнинг тақдирини нима бўлди?

— Биз бу шахсларнинг ўзлари, ота-оналари билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашдик. Маълум бўлишича, улар нотўғри йўлга баъзи бир ғаламисларнинг кут-

У 1971 йилда Наманган шаҳрида туғилган, аввал тижорат ишлари билан шуғуланган, оилали, 3 та фарзанди бор, шаҳардаги 8-берк Кўзагарлик кўчаси, 1-уйда яшаган Фазлиддин Мамадалиевдир. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 159-моддаси, 1-қис-

юқоридаги ёшлар кўрсатилган ғамхўрлик ва муруватдан баҳраманд бўлиб, яна жамиятнинг тўлақонли аъзоларига айланишди.

Биз Абдулло Абдурахмонов билан суҳбатлашганимизда, у нотўғри йўлга адашиб кириб қолганини, Ватандан четда, Россияда ма-шаққат чекиб юрганини, ёшларни афв этиш тўғрисидаги Фармонни эшитиб, дарҳол уйига қайтганини, энди асло бир-бирларини найрангларига ишонмаслигини, халқига, Ватанига, Президентига садоқат билан хизмат қилиб, гуноҳларини ювишини иззор этди.

А. Абдурахмоновнинг кекса онаси эса кўзида ёш билан йўлбошимчи ҳаққига дуо қилди. Ўзининг ўғли каби чет элларда алданиб юрган ёшларнинг оналарига мурожаат қилиб, фарзандларини бу йўлдан қайтаришга чақирди.

— Фармоннинг учинчи бандида прокуратура идораларига алоҳида, муҳим вазифалар юклатилган. Бу борада олиб берилаётган ишларга ҳам тўқнаб ўтсангиз.

— Ҳақиқатан ҳам ушбу Фармон талабларидан келиб чиқиб, террорчилик, босқинчилик билан боғлиқ хавф-хатарларнинг олдини олиш, халқимизнинг тинч ҳаётини таъминлаш мақсадида ўз фаолиятимизни янада кучайтирмоқдамиз.

Керакли чора-тадбирларни белгилаб олдик. Ҳозирги кунда прокуратура ходимлари шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла, ташкилот, корхона ва муассасаларда турли хил учрашувлар, мулоқотлар, давра суҳбатлари ташкил этиб, «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!» деган шиор давр талабига айланиши одамларга қайта-қайта ташутирмоқдалар.

Вилоятимизнинг ҳар бир маҳалласида навбатчилик йўлга қўйилган бўлиб, ташкил этилган постларда маҳалла посбонлари туну кун ҳушёр туриб, бизга яқиндан ёрдам беришяпти.

— Юқорида айтилдики, ўз айбига иқдор бўлиб, кечирим сўраб келган ёшларнинг тўрт нафари Фармонга асосан афв этилган. Аммо, бошқа давлатларда адашиб юрган яна бошқа фуқаролар ҳам бор. Улар ҳақида фикр-мулоҳазаларингиз?

— Мустақил Ўзбекистонга, бунёдкор халққа қарши оғир гуноҳ иш қилмаган, қўли қонга botмаган, адашган ва алданган кимсаларга мурожаат қилмоқчиман: агар сиз ўз но-жўя қилмишингиздан чиндан ҳам пушаймон бўлсангиз, айбдор эканлигини тан олсангиз, бу имкониятдан фойдаланинг. Киндик қонингиз томган мўтабар юртга қайтиб, Ўзбекистоннинг бошқа фуқаролари каби тинч, осулда, дахлсиз яшайверинг. Сизга ҳеч ким ортиқча тазийқ ўтказмайди. Бунга тўла қафолат бор. Президентимизнинг олийжаноблиги, халқимизнинг бағрикенглигидан наҳот топинг.

■ Суҳбатдош: Шухратбек ДЕҲҚОНОВ

ФАРМОНДАН СЎНГ ИҚРОРСИЛИК

Наманган вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси Б. Саидов билан суҳбат

эълон қилинган. Уч нафар шахсларнинг ёшлиги, ўз ишидан пушаймонлиги, оғир жиноятлар содир этмаганлиги, адашганлиги ҳисобга олинди. Фармонга асосан вилоят прокурорининг қарори билан жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Шу йилнинг 16 сентябрь куни эса яна бир нафар шахс кечирим сўраб келди.

ИҚРОРСИЛИК

Наманган вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси Б. Саидов билан суҳбат

мига биноан 1999 йилнинг 26 сентябрь куни жиноят ишида айбланувчи тариқасида ишга жалб этилиб, унга нисбатан қидирув эълон қилинган ва эҳтиёт чораси қамоққа олиш белгиланган эди. Ф. Мамадалиев айбига иқдор бўлиб келгани учун унга нисбатан қўзғатилган жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилди.

Кўриб турганингиздек,

СОҒЛОМ АВЛОДНИ ЎЙЛАБ

— Соғлом авлод йили» деб эълон қилинган 2000 йилда саломатлик посбонларининг елкасига ҳам катта масъулиятлар юклатди. Бундан бундан бундан шифокор туманда ҳислар саломатлигини янада яхшилашга диққат-эътиборини қаратган. Шу сабабли жойларда эмлаш ишларини ўз вақтида ўтказиш, аҳолини тез-тез тиббий куридан ўтказиб туришга ҳам ўзи бош-қош бўлиб турибди.

КЎРМАЙИН БОСДИМ ТИКОННИ...


Ўз таъсиримизга олиб, соғлом турмуш тарзини касб этишга ўргатмоқдамиз. Бугунча 20 нафардан ортиқ адашган болалар соғайиб, тўғри йўлни топиб кетдилар.

Марказнинг истиқболи ҳам ёмон эмас. Аввало, тўққиз нафар мутахассис орасида руҳшунос, ҳуқуқшунос табиб, спорт нозирлари бўлиб яқин келажақда ёшларни клиник усулда доволаш, қайта тиклаш бошланади. Мухими, бошланган ташаббусни Республика спорт қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги қўллаб-қувватламоқда. Улардан бири Чимёнда спорт базасини ваъда қилаётган бўлса, иккинчиси доволаш клиникасини барпо этишга кўмаклашишга тайёр. Бундан ташқари ҳокимликлар, маҳалла қўмиталари ва кўпгина ташкилотларга ҳам бошланган иш маълум келмоқда.

— Биз гўё бир оиладек, ҳар кунги уч марта унинг аъзолари билан бақамти бўламиз, — дейди Анвар Пулатов. — Хусусан, эрталаб спорт машаққати ўтказилса, кунни ўртасида ташлик, кеч оқшом турли кўнгличор уйинлар ташкил қилинади. Кўпроқ табиб қўйида бўлишга, спорт базаларида вақтини ўтказишга аҳамият берамиз.

Шундай қилиб Тошкентда иш бошланган табобат маркази эзгулик йўлида гиёҳвандликка берилган ёшларни ўз муҳофазасига олишни бошлади. Ҳамма гап марказ номига муносиб бўлишида, умид ва ишончга боғлиқдир.

■ Мирзо АНВАР Суратда: марказ раҳбари С. Тошхўжаев



Суратда: марказ раҳбари С. Тошхўжаев

ТАРТИББУЗАРЛИКДАН СЎНГ...

Бу йилги Европа чемпионатида англиялик футбол ишқибозлари анчагина тартиббузарликларни келтириб чиқаргани ҳали эсимизда. Эндиликда Англияда айнан шундай футбол уйинларидаги тартиббузарликларга қарши қонун ишлаб чиқилди ва у кучга кирди. Қонунга кура полиция муҳим ҳалқоро матчлар бошланишидан олдин «таниқли ва машҳур» футбол безориларининг чет элга чиқишларига йўл қўймаслик учун уларнинг паспортларини йиғиштириб олади. Агар ким қарор қилса, чора сиратида суд уларни 10 йил муддатга мамлакат ташқарисидан футбол уйинларини бориб томоша қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиши мумкин.

ЧИГИРТКАЛАР БОСҚИНИГА ҚАРШИ

Хитойнинг шимоли-ғарбидagi Синьцзян вилояти қишлоқ ҳўжалигига чигирткалар босқини катта зарар етказмоқда. Бу зараркундаларга қарши курашиш учун эса барча чоралар қўрилмоқда. Жумладан, махсус ўргатилган ўрдақлардан ҳам фойдаланилмоқда.


Гап шундаки, Шарқий Хитойдаги Чжеңцен вилоятида яшовчи фермер Ян Даюан ўрдақчилик билан шуғулланади. Июль ойида у 30 минг ўрдақни Синьцзян вилоятига шартнома баҳосида сотган. Чигирткаларга қарши ўрдақлар кураши муваффақиятли кечмоқда. Шунинг учун вилоят раҳбарияти яна бир неча минг ўрдақ сотиб олишга қарор қилди ва 2,6 миллион гектар майдонни зараркундалардан шу усул билан тозалашни афзал қўришмоқда.

Ян Даюаннинг иши юришгандан юришди. Негаки, Синьцзян вилояти маъмурияти 2001 йилда яна 300 мингга ўрдақ сотиб олиш учун Ян Даюанга буюртма берди. Фермер эса ҳозир зўр қайрият билан ўрдақларни кўпайтириш билан банд.

Инсоният тарихининг гувоҳлик беришича, ҳеч қайси бир халқ, ҳеч қайси бир цивилизация бoшқа бир халқ, бoшқа бир цивилизациялардан ажралган ҳoлда, улар билан алоқага киришмай алоҳида тараққий эта олмайдди. Аслрлар оша бизгача етиб келган бу улўз қонунини қарама-қаршиликларга бой, тобора бир бутунлик касб этиб, ўзаро алоқадорлик асосида ривож топаётган бугунги дунё мисoлида ҳам кўриш мумкин. Юртбошимиз БМТ Бош Ассамблеясининг ақинда бўлиб ўтган «Мингйиллик саммити»да таъкидлаганидек: «... бугун дунё мамлакатлари бир-бири билан узвий боғлиқ ва ажралмасдир». Шу мьнада бугун маълум бир минтақада бўлаётган воқеа-ҳодисани, бир давлат ичида юз бераётган миллий-этниқ можрорларни фақат ана шу минтақа ёки давлатнинг муаммоси деб қараб бўлмайди. Дунё мамлакатлари тобора бирликка интиляётган бўлса-да, улар ўртасида жуذا катта тафовутлар кузга ташланади. Давлатлар ўртасидаги иқтисодий нотенглик, аҳоли турмуш даражасининг бир хилда эмаслиги ва турли миллий-этниқ, диний зиддиятлар дунёда ижтимоий адолат қарор топиши учун раҳна солмоқда.

Жаҳон тараққийнинг мазмуни тубдан ўзгарди. Илгари бир-бирига қарама-қарши бўлган — собиқ СССР ва АҚШ етакчилиги қилган икки ижтимоий-сиёсий тузум, икки ҳарбий-сиёсий блок мажбур эди. Дунёнинг тинчлиги ва хавфсизлик тизими шу икки системанинг, блокнинг ўзаро муқобиллик мувозанатида асосланган эди. Дунёда «совуқ уруш» сиёсати ҳукмронлик қилар, бутун инсоният ядро уруши хавфи остида яшарди. Асрнинг сўнгига келиб тенгликка асосланмаган бу «сиёсат» барҳам топди. Дунёда янги мустиқил давлатлар, янги миллий манфатлар пайдо бўлди. Ер юзюда вазият ва кучлар нисбати кескин ўзгарди. Дунё кўп қутбли бўлиб қолди. Уни назорат қилиш анча қийинлашди. «Совуқ уруш» сиёсати барҳам топганидан кейин дунё кутилганидек хавфсизроқ бўлиб қолмади. Зиддиятлар ўрнини янги бир зиддиятлар эгаллади. Ривожланётган мамлакатларнинг асосий бойлиги ҳисобланган табиий ресурсларни ривожланган мамлакатларнинг ўз қўлига олишга, назорат қилишга интилиши кучайди. «Минтақавий можрор» атамаси ўз кучини йўқотди.

Дунё хавфсизлигига таҳдид солувчи бир қатор тажовузкор кучлар пайдо бўлди.



Буни биргина халқоро терроризм хуружи мисoлида ҳам кўриш мумкин. Бу хуруж шу даражага бориб етдики, эндиликда дунёнинг ҳеч қайси бир давлати бу таҳдиддан четда қолмаётган йўқ. Дунёнинг гоҳ у бурчагиде, гоҳ бу бурчагиде халқоро терроризм ҳолатлари содир этилмоқда. Дунёга интилоқда. Бунинг оқибатида беғуноҳ қонлар тўқилмоқда, умрлар ҳазон бўлмоқда. Минг афсусли, айрим давлатларда ўзаро ишончсизлик кайфияти ханузгача сақланиб қолаяпти. Оммавий қирғин қуролига эга бўлишга интилиш кучайди. Яширин қурол-яроғ бозорлари ву-

рүция, уюшган жиноятчилик дунё бўйлаб фаол ҳаракат қилмоқда. Кўз ўнгимизда экологик тағлиқ юз бермоқда. Бутун бошли денгиз қурияти. Буларнинг барчаси инсоният олдига ҳали ечимсиз муаммолар кўт эканлигини, ҳали севинишга эрта эканлигини кўрсатиб турибди.

Афсуски, дунёни бошқаришда етакчи мамлакат эга бўлган, 188 та давлатни ўз ичига бирлаштирган Бирлашган Миллатлар Ташкилати бу муаммоларга ечим топишда баъзан сусткашликка йўл қўймоқда. Маълум бир ҳудудда тинчлик ўрнатиш йўлидаги ҳаракатлар, келишув жараёнлари баъзида қўзилиб кетмоқда. Бу ҳаракатлар дунёнинг барча минтақасида ҳам бирдек олиб борилаёпти деб бўлмайди. Бу эса БМТнинг нисбатан эскирган, бугунги глобаллашув даври талабларига жавоб бера олмайдиган механизмиларини тубдан ислоҳ қилишни, ҳозирги фаол жараёнларга мослаштиришни талаб этмоқда.

... Дунё ҳаритасига тикилсак. Қанчадан-қанча давлатлар, шаҳарлар, манфатлар, маданиятлар ва тақдирлар сочилиб ётибди унда. Нақадар гўзал ва сокин кўринади ҳаритада дунё! Урушлар, қарама-қаршиликлар, беузликлар кўринмайди ҳаритада. Уйчан нигоҳлар, кўз ёшлар, ўз уйини ташлаб кетишга мажбур бўлган қочқоқлар, кулиб туриб йиғлаётган қиёфалар, ордан тин санчадиган совуқ шарпалар, уруш деб етим қолган беғуноҳ гўдақлар, йўл қароб сочлар оқарган оналар, ўн тўққиз ёшида бева қолган, оппоқ озуларни хазонга ойланган ва кинийдир бахтли қилиши мумкин бўлган содақотил ёрлар, ўз ота-онасига, оқ ювиб, оқ тараган юртга қарши борган, менинг баҳодир акаларимга ўқ отган ватанфурушлар, култепага айланган шаҳарлар, қурол тутиб ўзига ўзи қарши бораётган, ўзи билан ўзи курашган ва бу курашларда ўзини, кўрнмайдиган йўқотётган ИНСОН мўнмодаси ҳаритада. Тангри ато этган дунёнинг гўзаллигини, унинг мўжизаларини кўрсатиб туриш учун ҳам керакдир балки ҳариталар...

Мен ҳаммаша, ҳамма вақт ана шундай гўзал ва сокин, гўдак нигоҳлар каби боқира кўргин келади дунёни!...

■ Шўҳрат ОРИФ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

ВАЗИР ҚАНДАЙ ПОРА БЕРДИ?

Чимкент-Остона йўлида Қозоғистон ички ишлар вазири Қайрбек Сулаймонов фалати тажриба ўтказди. Узининг ташқи кўринишини ўзгартириб олган генерал тарвуз ортилган «КамАЗ»да икки минг километр йўл босиб ўтди.

Автомобиль ҳайдовчиси таъмағирлик қилган барча полиция постларига пора берди. Таъмағирлик қилмагани деярли учрамади! Хуллас, тарвузларни манзилга етказиш вазири учун роппа-роса 32.200 тангага тушди.

Барча хангома генерал Сулаймонов Қозоғистон йўлларида полициянинг бебошлиги ҳақида шикоятлар эшитавериб, мўтбуот чўкишларидан безор бўлгандан сўнг бошланди. Ходимлари эса бошлиққа нуқул: «Буларнинг бари ёлғон» деган гапни ўқтиришарди. Ниҳоят, Сулаймонов ким ҳақ ким ноҳақлигини шахсан билиш учун тарвуз ортилган «КамАЗ»га лширичча ўтириб, жунади.

Генерал учун асосий қийинчилик иккита бўлди: биринчиси «КамАЗ» учун ҳайдовчи топиш — ҳеч ким бунга розилик бермади. Чўнки «Генерал келади-кетди, мен эса ҳар кун шу йўлдан ўтаман», деб ўйлайди-да. Иккинчиси, куппа-кундуз кўз олдинда, ҳеч нарсадан ҳайиқмасдан пора олаётган погонли одамларга индамай қараб туриш.

Йўлдаги улпонлар хилма-хил бўлди. Вазири гоҳо 200 танга (15 доллар), гоҳо 4 минг (25 «бакс») тангагача тўлади. Баъзида полиция орицерлари тарвузлардан олиб қўлишиб: «Энди жойида ўтавер, ука!» деб ола таъйини силкитишарди.

Сулаймонов йўл давомида 36 марта пора-хўрлик ҳолатини яширин камера билан суратта туширди ва мангитарага ёзиб олди. Турга илгинганлар орасида 21 нафар полиция офицери, 9 нафар болжона хизмати ходими ва транспорт инспекциясининг 6 нафар вакили бор эди. «Афсуски, уларни жиноий жавобгарликка тортиб бўлмайди. — деди вазири журналистлар билан суҳбатда. — Бунинг учун уларни жойида қўлга олиш ва баённома тузиш керак эди».

Бироқ текинтомоқлар қилмишларига яраша жазо олдилар: зўдлик билан «органлар»дан бўшатилдилар. Қозоғистоннинг беш вилояти йўл полициясининг бошлиқлари ҳам жазодан қуруқ қилинмади.

ИИБ раҳбарини тонг қолдирган таассуротлардан бири шу бўлдики, икки минг километр йўл давомида бирор киши «КамАЗ»га нима юкланганини текшириб ҳам кўришмади.

— Ахир мен машинада гиёҳванд модда ҳам, терорист ҳам, мурдалар ҳам олиб бораётган бўлишим мумкин эди-ку! — дея ажабланади Сулаймонов.

Сулаймонов махсус буйруқ билан Чимкентдан Остонагача бўлган йўлдаги барча йўл полиция постларини бекор қилди, деб хабар берди «Қода» ахборот маҳкамаси. Фақат вилоятлар чегарасидаги постларгина қолдирилган.

ДУНЁ ТАҲДИДЛАР ҚАРШИСИДА

ний экстремизм ва фундаментализм умумий хавфсизликка таҳдид солаётган кучлардан бирига айланмоқда. Бир гуруҳ экстремистлар, шу жумладан, ислом фундаменталистлари ислом цивилизацияси билан бошқа цивилизациялар ўртасида янги қарама-қаршиликлар келтириб чиқаришга, миллатларни парчалашга, фуқароларда амалдаги тузумга нисбатан ишончсизлик уй-жўда келди. Наркотик моддалар олди-сотдиси миллион-миллион долларлар келтирувчи даромад манбаига, катта бизнес тармоғига айланди. Афғонистонда 20 йилдан бери биродарқушлик урушлари давом этмоқда. Хилма-хил манфатлар тўқнашган бу минтақада жафокаш афғон халқи орзу қилган тинчлик ва фаровон ҳаёт тарзи қачон қарор топишини ҳеч ким айта олмайдди. Кор-

Бугун икки Германия давлатининг бирлашганлигига 10 йил тўлди.

— Энг ривожланган мамлакатлар — «етилик» таркибига кириди; — Европа марказида жойлашган; — Уни тўққиз қўшни мамлакатлар чегаралайди; — Ер майдони — 357.000 км²; — Умумий чегара чизиги узунлиги — 3758 км; — Аҳолиси 82,0 млн. кишидан ортқ; шундан 7,3 млн. киши хорижликлар; — 1км² га 229 киши тўғри келади; — 16 та федерал ерлардан ташкил топган.



Владимир ПАНОВ олган сурат

БЎЛГАНИ ШУ ЭМИШ

Шарқий Финляндиядаги Йонсуу шаҳар суди бир таксичини ҳайдовчиликдан бир ой муддатга маҳрум этди. Сабаб унинг кўполиги ва доим сўкиниб гапириши бўлди. Аввал ҳам у шаҳар такси ҳайдовчилари уюшмаси раҳбарияти томонидан бир неча бор огоҳлантирилган эди. Лекин ҳайдовчи ўзини га тегишли хулоса чиқариб олмади. Натияжада полиция унинг устидан тушган йўловчиларнинг шикоят хатларини судга топширишга мажбур бўлди. Суд эса унинг ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қўйди ва лугатдаги яхши сўзларни ўрганиш учун 1 ой муҳлат берди.

Аввалги огоҳлантиришларда «булганим шу, тилим қотиб қолган» дея баҳона қилган одам энди яхши сўзларни бийойидек ўрганмоқда. Ажабмас кейинчалик Финляндиянинг «энг ширинсўз одами» бўлиб етишса.

Тахририятимизга Жиззах туманидаги «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалиғига истикомат қилувчи фуқаро Эргаш Омонлиқовдан келган шикоят хати сабаб сафарга оландик. Манзилга етиб аввало шикоят муаллифи билан қиздик. Сўнг у билан бир-бирида шикоят хатида ёзилган гапларнинг нечоғли ҳақиқатта мослигини аниқлаш мақсадида жойларда бўлдик.

Шикоят хатидан кўчирма: «Жиззах вилояти солиқ инспекцияси ходими Хайитов Шавкат, Бозоров Бахтиёр, Умаров Давлатлар... қонунни билади, пора олишни ҳам билади ва солиқ соламан, кейин халқ судига бериб ҳужжатлаштириб қаматиб ёки катта микдорда жарима тўлатаман деб кўрқитиб пулини олади ва ҳеч кимга айтмайсан деб тилидан тилхат, тушунтириш хати олади, қасамга тираб, савдо ходимларидан Жиззах шаҳар «Кўк бозоринда».

Кўрганларимиз ва аниқлаганларимиз: Жиззах «Кўк бозор» хиссадорлик жамияти худудидидаги «Умархон» хусусий фирмасига қарашли «Ихтиёр», «Хадича» супермаркетига қарашли «Достонбек», «Мухаббат ая» хусусий дўконлари, Мухаммаджон Акбаровга тегишли «Гўшт дўқони», шаҳардаги «Маърифат» ва «Дурбек» сингари ўндан зиёда дўконларда бўлганимизда бу ерда ишловчи тадбиркорлар, солиқчиларга нисбатан ҳеч қандай эътирозларни йўқлигини айтишди.

— Тўғри, — дейди шаҳардаги «Маърифат» хусусий дўқони сотувчиси Фуқрат Норматов. — Дўқонимизга солиқ инспекцияси вакиллари вақти-вақти билан келиб туришади. Лекин улар бизни кўрқитишган эмас, тасдиқ ҳам ўтказишмаган. Аксинча, амалдаги қонунлар доирасида тўловларни вақтида тўлашимизни, савдо маданияти ва тартибига амал қилишимизни эсла-

тиб кетишган. Масалан, бизнинг дўқонга ўтган йилнинг ноябрь ойидан бери текширувчилар келган эмас.

— Солиқчилардан хафа эмасмиз, — дейди «Кўк бозор» худудидидаги хусусий «Гўшт дўқони» сотувчиси Мухаммаджон Акбаров. — Патент-ван вақтида тўлаб қўйсақ, биз билан ишлариям йўқ. Текинга гўшт олади ёки пул сўрайди деган гаплар гирт тўхмат.

Шикоят хатидан кўчирма: «Давлат ва шахсий магазинларда ҳар доим саккиз хил товар бўлмайди, лекин Станция, Эки шаҳар бозорларида тўлиқ юз хил товар маҳсулотлар бўлади, чайқовчилар қўлида кир совун, ўсимлик мойи, сарёғ, ун, бугдой қабилар».

Кўрганларимиз ва аниқлаганларимиз: «Кўк бозор» худудидидаги аксарият хусусий дўконларда, қолаверса, Жиззах шаҳри ҳамда Жиззах тумани марказидаги дўконларда кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган саккиз турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг пештахталарда турганлигини кўрдик. Лекин бозор худудидидаги айрим дўконларда, жумладан, «Умархон» хусусий фирмасига қарашли «Ихтиёр» дўқониде захирадаги озиқ-овқат маҳсулотлари оморда эмас, белгиланган тартибга хилоф равишда шундоқина дўқонга кираверишда қолларда турган экан. Наҳотки, шу нарсаларни харидорлар оёғи остидан четга, яъни оморбога чиқариб қўйиш учун ҳам юқоридан «туртки» керак бўлса, деган ўй кечди хаёлимиздан.

Шикоят хатидан кўчирма: «... шу билан бирга барча магазин ва чўйхона, аптекаларда кассавой аппарат бўлиши керак, лекин юз ерда чўйхона бўлса, бирортасида кассавой аппарат йўқ... қўйилган дўқон, дорихоналарда ҳам кирим, чиким қилиб ишлатмайди, налогдан қўрққанидан олиб номига қўйиб қўяди».

Кўрганларимиз ва аниқлаганларимиз: Биз кирган дўқон ва дорихоналарнинг ҳаммасида касс-

тилгандай қўша-қўша машиналар йўқлигини, ўзи инсофли, диёнатли инсон эканлигини айтишди.

— Солиқчилардан ҳеч бирига белул ароқ ҳам, коньяк ҳам берганим йўқ. «Нексия»да хизмат ҳам қилган эмасман, — дейди қатий қилиб Рустам Аҳмаджонов. — Шикоят ёган Эргаш акани яхши танийман Кўпинча маст холда юради...

Шикоят хатидан кўчирма: «Хайитов Шавкат ўзи Бухородан,

бошлиқ. — Ҳозиргина уни сизлар ҳам кўрдингизлар, маст эмади.

Шикоятчи иштирокида айтилган жойга борамиз.

— Хайитов Шавкатни бугун кўрганам йўқ. Умуман эрталабдан бери бизга биронтаям солиқлик келган эмас, — дейди «Дурбек-1» хусусий дўқони мурдираси Мамлакат Солиева ҳайрон бўлиб...

Хўш, шикоятчи Эргаш Омонлиқовнинг ўзи ким? Уни қўлга қўламан олиб, марказий газетга хат ёзишга нима мажбур этди?

Жиззах туман прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Хайитмурод Тўлағановнинг «Жиззах ҳақиқати» газетасининг ўтган йили 30 октябрь сониде чоп этилган «Ивogar» сарлавҳали мақоласидан парча: «Эргаш Омонлиқов Жиззах туманида отнинг қашқасидай маълум ва машҳур. У «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалигининг 2-бўлимида яшайди. Айтишларича, бундан 15-16 йил аввал Э. Омонлиқов эл-юрт орасида ўзинга яраша эътибор билан хурматга эга инсон эди. Аммо... Бугун унинг рўзғарида баракка йўқ. Угли қамалган, қизи эридан ажраб, ота уйига қайтиб келди. Маҳалла-қишлоқ ақли ўндан беэган — ана оубро, на эътибор қикдани йўқ, — эътироз билдирди

ёлғон-яшиқлар тўқиб, одамларни қон қашқабатган бўлса, бундай одамни инсонлар сафига қўйиш мумкинми? (Жиззах туман меҳнат бўлими бошлиғи Р.Жалиловнинг шикоят аризасидан). «Отанинг укаси бўлишим Э. Омонлиқов бир мен эмас, кўпчиликнинг устидан тухмат, бўхтонлар уюштириб юради, пул, ароқ тасмағирлик қилади. Ахир қачонгача ивogar, таъмағирлар кирдикорларига чидаш мумкин?

инспекцияси хизматчиларининг ҳамма ишлариям солиқ кетаяптими? Уларнинг орасида виждонан, ҳалолу пок ишлаётганлари билан бир қаторда, оз бўлса-да, мансабинини суинистеймол қилиб, нафс қўлига айланганлар йўқми? Афсуски, бор. Биз ҳам солиқчиларнинг ҳаммасини сундай оқ, фариштадай пок демоқчи эмасмиз. Айрим солиқчиларнинг бамисоли шамга айланган парвонадай бозорлардан бери келмаётгани ҳам бор гап. Демак, шамол бўлмаса, дароҳтининг шохи қумирламайди, деганларидай шикоятчининг айрим гаплари тўғрисида яшиқдирок бош қотириб кўриш керакка ўхшайди. Уйлаймики, вилоят солиқ инспекцияси раҳбарияти бу ишни уддасидан чиқари.

Энди бозорлар маъмуриятининг эътиборсизликлари ва масъулиятсизликлари тўғрисида икки оғиз. Хусусан, «Кўк бозор»даги гўшт ва гўшт маҳсулотлари, айниқса, «калла-поча» сотилаётган жойининг санитария ҳолати, юмшоқ қилиб айтганда, талабга жавоб бермайди. Сотувчилар кир-чир, пештахталар устида тоза-юз нотоза калла-почаларни пуллаш билан оворча. Ҳатто, уларнинг баъзилари пештахта қилиб, маҳсулотларини шундоқина ерга ёйиб қўйиб сотишяпти. Жой етишмаслигидан бозорнинг бир қисми кўчага қўйиб чиққандега нима дейсиз?

Масалани ўрганиш жараёнида яна бир мулоҳаза, таъбир жоиз айтишмаган. Шундай бўлса-да, иш ўрнига гап қувишни одат қилган Эргаш Омонлиқовга бу одатдан воз кечишни, бирон-бир фойдали ишнинг этганини тутишни маслаҳат берадди. Ҳар ҳолда халқимизнинг «Гап қуваган балoга, иш қуваган хазинага йўлиқад» деган мақолини унутмаганимиз маъқул-да.

■ ИБРОҲИМ ЖОНУЗОҚОВ, СОҲИБЖОН САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» махсус муҳбирлари

БИР ХАТ ИЗИДАН

ГАП ҚУВГАН БАЛОГА, ЙЎЛИҚАДИ ИШ ҚУВГАН ХАЗИНАГА

ёки жиззахлик солиқчилар фаолиятдан норози фуқаро шикоят хусусида

ри тўғрилигида, аниқлигида амин бўлдик.

Шикоят хатидан кўчирма: «Саройлик» маҳалласида Аҳмаджонов Рустам деган ароқ-вино дўқонининг мурдир бор... Солиқчиларга яшиқ-яшиқ ароқ, коньякдан ташқари «Нексия»си билан хизмат қилади... Узининг учта «Нексия»-си, иккита «Тико»-си, тўртта «Дамас»и бор».

Кўрганларимиз ва аниқлаганларимиз: Ҳақиқатда ҳам фуқаро Аҳмаджонов Рустам Жиззах шаҳрининг «Саройлик» маҳалласидаги «Олтин қарс» фирмасининг таъминотида бўлиб ишлар экан. «Нексия» машинаси борлигини раст. Маҳалладошлари, қўни-қўшинлари камбағал оилалдан қиққан бу йигит ўзининг тадбиркорлиғи, ишбилармонлиғи, укаларининг меҳнатсеварлиги ва азияти озиқ-кулиби бойлик ортирганлигини, унда хатда ай-

лиқовнинг ўзи ким? Уни қўлга қўламан олиб, марказий газетга хат ёзишга нима мажбур этди?

Бир қарашда ҳаммаси равшан: хатда келтирилган фактлар асосан тасдиқини топмади, шикоятчининг шахси аниқланган, унинг ивغو-у бўхтон гаплар билан ишгулланувчи кимса эканлиги аён бўлди. Жиззах туман судининг ҳат қўлув қарори билан унинг устидан маркурий иш қўзғатилгани ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Лекин шу ерда жиззахлик тадбиркорлару солиқчилар фаолияти ҳамда уларнинг ишдан норози шикоятчининг ёганлари хусусида жиндақина мулоҳаза юритиб кўрсак-да, масаланиг моҳиятига тэрароқ разан солсақ фойдадан ҳоли бўлмасди. Аввало, вилоят солиқ

қайтармапти ёки унга нисбатан қонун доирасида таъсир чоралари кўрмаяпти? Наҳотки, на ҳўжаликда, на маҳаллада, на туманда унинг дардларини эшитадиган, унинг юрагига қўл солиб, қўнғил «гавҳари»га йўл топадиган инсон топилмасми? Ахир доллар айтиб ўтганларидеи, аслида ёмон одамнинг ўзи бўлмайди, бировни ҳадеб ёмон дөвверсангиз, яхшини ёмон бўлиши, аксинча яхши дөвверсангиз, ёмоннинг яхшига айланиши ҳеч гап эмас.

Энди ўзингиз ўйланг: йил бошидан бери Э. Омонлиқов биргина вилоят солиқчилари устидан «Халқ сўзи» газетаси тахририятига ҳамда Республика Давлат солиқ қўмитасига шикоятлар йўллаган. Текшир-текшир, «эла-элар» бўлиб ўтгану, фактлар тасдиқини топаган. Аммо, кимларнингди вақти кетган, кимларнингди асаби қашқанган, кимларнингди ҳафталаб қўли ишга бормай юрган. Анча-мунча оилаларда, катта-кичик фуқаролар қалбида безовталик, ҳадик-хавотир, нотинчлик ҳўкми сурган. Айтингчи, бундай ҳолатларга ким барҳам беради?! Ким шуғулланади?! Адолатни ким ўрнатади?!

Алқисса, ёмон одат елимдай ёпиққоқ бўлади, дейишяди. Бир нарсасга қўнқидингми, ундан қутулиш мушкул экан. Ахир «Тарки одат — амри маҳол» деб бежиз айтишмаган. Шундай бўлса-да, иш ўрнига гап қувишни одат қилган Эргаш Омонлиқовга бу одатдан воз кечишни, бирон-бир фойдали ишнинг этганини тутишни маслаҳат берадди. Ҳар ҳолда халқимизнинг «Гап қуваган балoга, иш қуваган хазинага йўлиқад» деган мақолини унутмаганимиз маъқул-да.

■ ИБРОҲИМ ЖОНУЗОҚОВ, СОҲИБЖОН САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» махсус муҳбирлари

БОШ МУХАРРИР

Азим СУЙОН

ТАХРИР ХАЙЪАТИ

Абдулла ОРИПОВ

Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ

Қозоқбой ЙУЛДОШЕВ

Ислам ШОҒУЛОМОВ

Норбобо ШАКАРОВ

(бош мухаррирнинг биринчи ўринбосари)

Алимулла СУЛТОНОВ

(бош мухаррир ўринбосари)

Андрей ОРЛОВ

(бош мухаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)

Бахтиёр ҲАМИДОВ

(масъул котиб — «Узбекистон овози»)

Валерий ЛАБАРЕШНИХ

(масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сўйрат ва ҳужум 133-44-55

Иқтисодий — 133-76-04

Маънавият — 133-07-20

Халқ ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16

Ахборот — 133-12-56

Котибият — 133-21-43

Реклама ва эълонлар 133-38-55, 133-47-80

Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;

Бухорода — 23-51-40;

Гулистонда — 25-16-22;

Жиззахда — 3-29-44;

Навоийда — 3-39-20;

Наманганда — 6-43-43;

Нукусда — 222-70-12;

Самарқанда — 35-20-54;

Тошкентда — 136-53-16;

Ургучда — 226-51-35;

Фарғонада — 26-46-84;

Қаршида — 4-61-35;

Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТЕВОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи

Ҳайдар НОСИРОВ

Газета «Узбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи-дастуричи Икром ИСМОИЛОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Босмақонна. Корхона манзили:

Буюк Тўро кўчаси, 41-уй.

Ҳужжатдан ўтган тартиб № 00004

Газета ҳафтада чопланади, А-2 форматда босилди.

Ҳажми 2 босма табақ.

«Узбекистон овози» материалларини кўчириб босиш факат тахририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 702

Тошхирин вақти — 21.00, Тошхиринда — 21.00.

1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

МУХБИРГА ЭҲТИРОМ



Кенгаши биринчи котиби, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раёсати аъзоси А.Х. Асанов Р. Ешимбетовнинг журналистика соҳасидаги кўп йиллик ижодий меҳнати ва

жамоатчилик турмушига фаол иштирок этганини учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раёсати фахрий ёрлиғи билан мукофотланганини, муборак ёшнинг чин қалбдан табриқлади. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг табриқини ҳам ўқиб эшиттирди. 70 ёшли юбилей «Узбекистон овози» газетаси билан боғлиқ умр сўқмоқлари тўғрисида мулоқот иштирокчиларига гапириб берди.

■ Алписбой ИБАДУЛЛАЕВ

ДИЛ МУЛКИ ЮРАКДА ЯШАШ МАШАҚҚАТИ



Шеър ёзадиган одамнинг қалби сўзлайди. Бундай кишилар ҳиссиётга бой, ҳаётдан завқланувчан, ҳар қандай ҳолатдан тез таъсирланидиган бўлади, дейишди. Чин гап. Агар инсоннинг юрағида ҳаёқон сели тошмаса, у факат идрокнинг измида яшаса, гулни севмас эди, сойлар шарқирашидан оҳанг изламаса эди. Боринги, табиат билан сирлашмас, тоғларни, боғларни юрағига жойлаб, меники, менинг топганим шу, деб қўймас эди. Қалам ушлаб, шеър ёзадиган ижодкор дарахга болта кўтаролмайди. Қалб уйғоқлигидан, виждон илтижоидан қўрқди. Бутун борлиқ нигоҳи унга қадалиб тургандай бўлади. Бутун борлиқ унга нигоҳ бўлиб туюлади. Ана шу нигоҳларнинг сўроғига жавоб излаш учун ҳам шоир ўз юрағига кириб олади-да, борлиқ билан сўзлаша бошлайди. Ҳа, шеър ёзиш осонмас. Шоирлик эса жуда кам одамларга nasib қилади.

Лекин ўз истеъдодини намоён қилиш учун изланиш бошқа қар. Қуруқ талант билан ҳам қалб намоён чанг остида қолади. Демакки, таланти машаққатли меҳнат талабди. Гапнинг сирасини айтганда,

жамоамиз ижодкорлари орасида ҳам ана шу тобланиш сари юз бурганлар борлиги бизни қувонтиради. Газетамизда ўзини сарамақчалари билан кўзга ташланаётган Сурхондарё вилояти бўйича муҳбиримиз Абдурашул Жумақулнинг «Осмон бешиги» номли шеърини тўплами чоп этилди. Китоб «Езувчи» нашриётида босмадан чиқди. Биз китобни арақлар эканмиз ёш шоирнинг фалсафий идрокни, дунёқарашни, оҳангдор жумлалар замиридаги юк, мантқиқ шууримизга ёруғлик бахшида этади. Абдурашулда самимий, содда, бироз кескинлик билан хулоса қилишга мойиллик кучли. Унинг шеърларидаги яна бир жиҳат, асосий, шеърни «тирик» сақлаб турадиган томони — ўзи-

га хослик. Абдурашулнинг шеърларини ўқигач, қачонлардир мушоҳадангизга урилган таниш мисралар ёдингизга келмайди. Бундан ташқари шаклан гагати, мазмунан сервижон шеърлар ёш шоирнинг ҳеч қандай ўшамаслик йўлида бетиним ишлаганидан дарак беради. Унинг бармоқдаги ёқуд мансур шеърларидаги фалсафа, қутилмаган ташбеҳлар ўқувчининг ҳаяжонга солади. Яна шунинг таъкидлаш керакки, уч-тўрт мисралоқ оқ шеърлардаги айрим жумлалар йирик прозаик асарларга юк бўлиши мумкин. Ёш шоир Абдурашул Жумақулнинг «Осмон бешиги» китоби ўзбек шеърятига изланиш, интилиш, янги-янги сўқмоқларни кашф этилиши мукаррар эканлигини кўрсатади. Бу йўлда биз дўстимизга куч-қувват тилаймиз.

■ ТАХРИРИЯТ

МАЪРИФАТ ЧИРОҒИ СЎНМАЙДИ

Етук маърифатпарвар инсон Маъруф Расулий таваллудига юз йил тўлиши муносабати билан пойтахтдаги Байналмилал маданият марказида хотира кечаси бўлиб ўтди. Унда адабиёт-шунос олимлар, фан ва маданият арбоблари, талабалар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Маъруф Расулий 1900 йили Самарқандда дунёга келган. У дастлаб мадрасада, сўнгра рус-тузем мактабиде таҳсил олган. Маъруф Расулий тожик оиласида туғилган бўлса-да, форс ва тожик тилларидан ташқари, ўзбек, рус ҳамда арабчани яхши ўзлаштирган ва ўз замонасининг етук зиёлиси бўлиб етишган эди. Бироқ, Сталин кўрмронлик қилган даврда адолатсизлик ва зўравонлик қурбонига айланган Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий каби улуг адибларимизнинг тақдирини М.Расулийнинг ҳам бошига тушди. 30-йиллардаги каттагон бўронини уни ҳам четлаб ўтмади. 1937 йил октябр ойида Маъруф Расулий «халқ душмани» сифатида қамоққа олинди. Кечада сўзга чиққанлар Маъруф Расулийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзлар экан, унинг маърифат, зиё тарқатишчеде эзгу ният билан яшаганини, хусусан, хамиша одамларни илм-фан ва адабиёт янгиликларидан воқиф этиб бориш йўлида жон қўйдиргани, иқтидорли ёшларни Европа давлатларига ўқушга юборишга ташаббускорлик қилганини алоҳида таъкидлади.

■ С. РАҲИМОВ

ЙЎЛ ХАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ

А. Икромов туманидаги Фарҳод кўчасида, аниқроғи, «Жокимият» автобекати рўпарасида йўл-транспорт ҳодисаси содир этилди. Номаълум транспорт воситасини бошқариб борётган шахс 12 ёшли пиёда А.ни уриб кетиб, воқеа жойидан яширинди. Қидирув ишлари натижасида жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатишга ҳам ярамай қочиб қолган «Яско» русумли автомашина ҳайдовчиси, 1955 йилда туғилган Д. аниқлаб

зал билди. Аммо бу сафар ҳам адолат қарор топди. Билиб туриб йўлларда ҳаракатланш қондаси талабларини бузиш мумкин, аммо ҳеч қандай икхтирий равишда автофалокат содир этмайди. Лекин қаминга ўзи жароҳатлаган одамнинг, дейлик, қонга беланган вужудини қўриб туриб, унинг энг сўнгги илтижоларини

«МАЗ-5551» русумли ОЗ 32 НАЛ давлат рақам белгили автомашина Тўрақўрғон — Минбулоқ автомобиль йўлининг саккизинчи чакиримиде Хусниддин Абдуғафоров деган мактаб ўқувчисини ўриб юборган. Ҳайдовчи Олимжон Ҳомидов зудлик билан жабрланувчига ёрдам кўрсатган. Аммо, афсуски, боланинг умри қисқа экан.

Тергов жараёнида автофалокат сабаблари чуқур таҳлил қилинди ва оқибатда бу мусибатда ҳайдовчининг мутлақо айби йўқ, деган фикрга келинди. Олимжон Ҳомидовга нисбатан кўзгатишган жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилди.

Дейлик, ўшанда Олимжон Ҳомидов юқоридеги шахслар каби қаллоб бўлиб қолган фазилатлар билан янада қўрқамдир. Агар қийин пайтларда шуурингизни мардлик ўрнига қўрқоқлик, худбинлик эгалласа, сиз бизнинг қавимимиздан эмасиз!

■ Раҳмонали ҚОСИМОВ

— Йе! Зина деганимиз уйимизнинг тўртинчи қаватида турар эди. Қрим татарлари, Эри ёзувчи ўтган экан. У вафот этгач, бева қолди бир ўзи кичкина қизчаси билан яшарди. Ахир эр қилибди-да, бечора. Демак, унинг ўн саккиз квадрат метрли хонаси бўшабди. Демак, Абдулланнинг Ясавий бобо қулогига шивирлаган илтижоси ижобат бўлган. Дафъатан қалламга келган ҳаёлдан кўнглим ёришиб, дарҳол Низоمنىнг уйига кўнгирик қилдим.

— Алло, шоир қани? Дарров етиб келинглар! Уй масаласи...

Зум ўтмай Низом билан Абдулла узун-қисқа бўлиб етиб келишди. Дарҳол учовлон тўртинчи қаватта кўтарилдик. Қарасак, Зинанинг эшити жил ёпилиб, қулфи устига тўрт энлик қоғоз ёпиштирилиб, юмалоқ муҳр босилди. Қоғозни шартта йиртиб, ичкарига кирдик. Каттагина хона хувилаб турар эди.

— Ана, шоир, Ясавий бобонгизнинг инъомини қабул этинг, — дедим Абдуллага. У қувончандми ё маҳаллий ҳукумат томонидан муҳрлаб қўйилган уйни берухсат очиб кирганимизнинг оқибат-натижасидеги маъсулликдан қўчибми, қаттиқ ҳаяжонда турар, кечигина Ясавий бобо хузурда қандай титраб турган бўлса, шундай қалтираб турар эди. Бирпасда бизникидан «Рита» русумли кир ювиш машинасини, оқоқолоқ шоиримиз Уйғун аканикидан пружиналарни ўйнаб кетган кўнжа буюкларамаровни, тагин бизникидан кўрпа-ёстиқ олиб чиқиб, ўзимизча уйни ясаган бўлдик.

... Абдулланнинг бу уйда кўрган-кечирганларининг ўзи бир дунё хангома. Уни бир чеккага қўйиб турарлик-да, ушбу ҳикоятга алоқадор гапнинг индаллосини айтиб қўйқолас: ростини айтсам, Ясавий бобо маънан инъом этган бу уй шоир учун, унинг тақдирини учун ўта қўлғул келди. У шу уйда ўсиди, унди, бола-чақалик бўлди. Бу кўтлуг макон уни бошқа кенроқ, баҳаворроқ уйга кузатиб қолди. Кетма-кет китоблари чоп этилди. Ўзбекистон халқ шоири, Республика Давлат мукофотининг соҳибдорини, Ўзбекистон Қаҳрамонини, Олий Мажлис депутаты ва ҳоказо ва ҳоказолар бўлди. Абдулланнинг шу даражага етишига, шубҳасиз, Ясавий бобонинг қўллаб-қувватлаши сабаб эканлигини ҳеч қим инкор қилолмайди. Чин ихлос билан сўзлаганга ҳақ беради. Ясавий бобо эса хамиша қўллаб-қувватлайди. Мен бунга қаттиқ ишонманам. Буни мен ўз тақдиримда талай-талай марта синаб кўрганман. Бу айни ҳақиқат.

■ Носир ФОЗИЛОВ

Шу йил октябр ойининг ўрталарида туркий халқларнинг қадимий шаҳарларидан бири — Туркистон шаҳри ўзининг 1500 йиллик тўлини нишонлаш арафасида турибди. Бу кўнжа шаҳарни мусулмон оламиде иккинчи Мақка деб ҳам аташади. Негаки, бу шаҳарде буюк бобокалонимиз ҳазрати Ҳужа Аҳмад Ясавий яшаб ижод қилганлар. Бу ерда бобомиз шарофига буюк соҳибқирон Амир Темур қурдирган маҳобатли мақбара қад ростлаб турибди.

Таниқли ёзувчи Носир Фозилов ўзи туғилиб ўсган шаҳри Туркистон ва бобомиз Аҳмад Ясавий билан боғлиқ бир неча кароматли воқеаларни эслаб, қозоғга туширди. Ана шу воқеалардан бирини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

қимизхўрлик қилиш эканлигини айтдик. Қутилмаган бу тақдифдан Абдулланнинг чиройи очилиб кетди. Учовлон Туркистон қайдасан деб йўлга тушдик. Бу муқаллас шаҳарнинг ўзига яраша бир оҳанграбоси бор. Бу унинг дарда даво ҳавосини ё у ерда етган азиз авлиё-

КАРОМАТ БЎЛГАН ҲАНГОМА

ларнинг илоҳий сеҳрими, ишқилиб, бутун дунё одамларини ўзинга чорлаган! Бу шаҳарни иккинчи Мақка Муқаррама деб бежиз айтишмаган. Бўлмаса бошқа дунё шаҳарларидеи кўз торталган муҳташам бинолар йўқ, ҳайкириб оқадиган сойлари ҳам йўқ. Нимага эканини билмадим, қандайдир бир сеҳри, саховати бор бу шаҳарнинг!

... Икки кун роса мириқиб айландик. Қоратог бағирларини кездик. Қарноқ, Сувноқ, Урангай, Икон кишлоқларида бўлдик. Кенговни томоша қилдик. Қорачиқ ва Сир сувларидеи чўмилдик, қозоқ биродарларимизнинг ўтовларида меҳмоннавозлик қилдик. Қимиз-хўрлигун бешбармоққўрликлар билан роса мириқдик. Эсимда, охириги меҳмондорчилик умр бўйи шу Сирдарё бўйини макон тутган, бир умр шу ерда овчилик билан машғул бўлган Ирискелидан деган нуруний қарияниқанда бўлди. Мен у кишини яхши билардим. Шунинг учун билардимки, отамнинг қадрдон дўсти эди. Ирискели ота бир гапга тушиб кетса борми, китобинг ҳам, киноинг ҳам, телевизоринг ҳам бир пул. Ов ҳақида, табиатнинг гапоти сир-асрорлар ҳақида гапирганда озинг ланг очилиб қолади!

Нихоят сафаримизнинг учинчи кун Сирдарё сувларига чўмилиб, покланиб, Ясавий бобонинг хузурига бордик. Бунақа пайтларда ҳиссиёт кишиларнинг нечоғлиқ ҳаяжонланганини ўзингиз биласиз. Мен-ку, шу юртнинг фарзандимам, бунақа зияратларни ҳар келганда қанда қилмайман. Абдулланнинг эса биринчи келиши. У қаттиқ ҳаяжонда эди. Афсуски, ўша пайтда мақбара тасмирланаётган экан. Музей хизматчилари бизни ичкарига қўйишмади.

Шундан кейин ноилоҳ Абдулла билан Низоми мақбаранинг орқа томонига — қибла томонга олиб ўтдим. Бу ерда меҳробсимон бир панжарали эшик бўлиб, ундан ичкаридаги феруза рангли тошдан ясалган баҳайбат сағана кўриниб турар, у ўзининг гўзаллигини, қандайдир илоҳий сеҳри, са-

1968 йилнинг ёзи эди. Абдулла Орипов у пайтлар «Еш гвардия» нашриётида муҳаррир бўлиб ишлар, кайфияти мақданидан даражада эмасди: тўғри-да, на ётиш-туришда, на ишда ҳаловат бор эди. Бунақа дейишимнинг сабаби — яшай деса мўқим уйи йўқ, қайта борса битилдик. Уч-тўртта дадил шеърлари учун шўролар давридаги мартабали кишилардан гап эшитиб, қора рўйхатга тушиб, китобларини ҳам чоп этирликмай қўйилди, тушкунликка тушиб юрган кечалари эди.

Бир кун кечқурун Низом Комилов иккаласи бизникига кириб келишди. Абдулланинг кайфияти жудаям ёмон эди. Мен, нима гап, дегандай Низомага қарадим. У ҳам тўлиб турган экан, ёрилди.

— Шоирни тушмагур Қашқалардега кетмоқчи.

— Соғингандир-да юртини, — дедим бамайхотир.

— Майли, борса бориб келисин.

— Э, бутунлай кетяпти-да, — деди аслида оғир Низом туюқиб.

— У десам у леиди, бу десам бу. Кўнайдим. Охири олдизгизга олиб келдим. Гапиринг бунга!

Учовлон бир зум жим қолдик. «Пичоқ бориб суятига тегилди-да, бечора шоирнинг».

Назаримда ҳозир бу қайсар шоирга бирор жўяли гап айтиб, уни қароридан қайтариш беҳуда уринишимиз ўзинаси бўлар эди. Аслида шоир халқи эрқарор бўлади. Аммо замон ҳеч қандай эрқалликни кўтармас, «идеология» дегани қаҳрга олиб турган кезлар. Юқоридеги сўз ош деса, ҳеч иккиланмасдан бу олдизгизга олиб келдим.

— Кетаман деса кетаверади-да, — дедим совуққина. Менинг жавобимдан аслида қора Низом баттар қорайиб кетди. Кейин мен унга тасалли берган бўлиб кўз қисдим-да, гўё чой дамлаб келгани ошхонага йўналдим. Кутганимдай ортимдан Низом ҳам чиқди. У киргач, ошхонанинг эшитини зичлаб ёлдим. — Энди гап бундай, шоир. Кетаман деса, йўқ деманг. Тўхта, кишишманг. Гапга қулоқ солинг. Ҳозир, йўқ, кетма, деб минг тавалло қилганингиз билан ўжарлиги таваралди.

— Жинимисиз?!

— Ақлим жойида. Қўяверинг, кетаверсин. Лекин мени айтди дегиз, нари-бериси билан ўн-ўн беш кундан кейин шоирингиз Тошкентга зипиллаб қайтиб келадим. Негаки, шаҳарга ўрганган одам кишлоқда узоқ туролмайди.

... Худди айтганимдай, ордан ўн беш кун ҳам ўтмай Абдулла Тошкентга қайтиб келиб қолди. Биз уни миқ этмай, ўтган гапларни юзига солмай қутиб олдик-да, Низом билан келишиб қўйганимиздай, уни Туркистон сафарига чорладик. Мақсадимиз: ҳазрати Ҳужа Аҳмад Ясавий бобомизни зиярат қилиш, бир-икки кун Яси даштларида ҳордиқ чиқариш,



Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом Ҳадиси шарифларидан бириде «Билгинки, инсон жасадидеи бир гўшт парчаси бор. Агар у соғлом бўлса, бутун жасад ҳам соғломдир, агар у бузилса, бутун жасад ҳам бузилади. Билгинки, у инсон қалбидир. — деб ўргатганлар...

Авалло Яратганнинг марҳамати, қолаверса, юртбошимиз ташаббуслари билан истиқлолга эришганимизга ҳам тўққиз йилдан ошди. Динимизни, тилимизни, иймон-эътиқодимизни қайтариб олдик. Кўпчиликнинг тилида шу гап. Менимча, бу ёдлаб олинган одатий сўзлар эмас, балки буюк неъмат моҳиятини ҳис этган элзук хамюртларимиз қалбидан фавворадай отилиб чиқаётган шўқрона туйғулар изҳоридир.

Динимиз, иймон-эътиқодимизнинг ўзаги нима? У — ҳалоллик, мардлик, раҳм-шафқат ва адолат деган сўзлар билан ифоделанади. Зотан, ота-боболаримиздан олган гўзал тарбиямиз ҳам ана шу тушунчалар асосига қурилган.

Аммо шаклу шамойили, туриш-туруши сизу биздан фарқ қилмаётган хамюртларимизнинг айримлари баъзан инсон деган номга хилоф равишда иш тутмоқдалар.

ДИНДАГИ ОФРИҚ

ушланди. Еки: Кеч соат 22.30 ларда И. исмли ҳайдовчи «ГАЗ-3110» русумли автомашинаси билан Самарқанд Дарвоза кўчасидаги 2-уй рўпарасида 34 ёшли пиёда Т.ни уриб юборди. Атрофда ҳеч қим йўқлигини сезгач, одамийлигини унутди ва воқеа жойидан қочиб яширинди.

Худди шундай воқеа Яқкасарой туманида содир этилди. Ҳайдовчи К. «Москвич-2141» русумли Э 0569 ТН давлат рақам белгили автомашинасини М.Торобий кўчасида бошқариб борартеб, 63 ёшли пиёда Х.ни уриб юборди. Жабрланувчига ёрдам кўрсатиш ўрнига қочиб қолишни аф-

ни жавобсиз қолдириб қочиб кетишини ҳеч ҳам тасаввур этолмайман. Назаримда бунчалар тубанликни тўла ифода этишга сўз ожиз.

Юқоридеги у воқеани олинг. Агар ўшанда иймонидан мосуво бўлган ҳайдовчилар виждон амрига бўйсуниб, жабрланувчиларга ёрдам кўрсатганларида, эҳтимол, улар ўлмай қолшармиди, деган армон ҳеч қачон мени тинч қўймайди.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Ундай шахслар қонунчилик илмидан ҳам бутунлай беҳабарлар. Ваҳоланки, бизнинг қонунчилигимиз ҳам адолат ва ўзбекна тарбия билан омукталаниб кетган.

Эсимда, бундан икки йил аввал Наманган вилоятида бир автофалокат содир бўлганди.